

2-мавзу  
ЎРМОННИНГ ХАЛҚ  
ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ

**РЕЖА**

**2. Ўрмон ҳақида тушунча**

# Ўрмон

Ер шарида кенг тарқалган географик манзара. Ер шари қуруқлигининг қарийб 29 % ўрмон билан қопланган.



Ўрмон деганда табиий равишда пайдо бўлган ва муҳит бирлигида ривожланаётган экологик ва биологик ўзаро бир - бирови билан боғлиқ дарахтлар ўсимлиги ва бошқа организмлар тўда (уюшма) си тушунилади. Бошқача қилиб айтганда ўрмон – ўзаро боғлиқ ва бир – бировига, эгаллаган ҳудудига ҳамда иқлимга таъсир қилувчи дарахтлар, буталар, ўт ўсимликлари, мох ва ҳайвонлар тўдаси (уюшмаси).

**Классик ўрмоншунос олим Г.Ф. Морозов ўрмон табиати учта таркибий қисм (компонент) дан ташкил топишини ўз вақтида кўрсатиб ўтган. Улар қуйидагилар:**



**наслар табиати;**


**уларни бирга қўшилиш табиати;**

**жойда ўсиш шароити табиати.**

## «Тик дарахт» лар (древостой)



табий ҳолатда пайдо бўлган ўрмонлар уюшмасидаги дарахтлар йиғиндиси эканлигини юқорида айтиб ўтилган эди, яъни улар ўрмонларнинг бир қисмини ташкил этади. Ўрмонлар катта майдонни эгаллаган бўлиши мумкин, ҳаттоки минг ва ундан ортиқ гектарни, тик дарахтлар ва ўтқазувлар эса ўрмоннинг кичик бир ҳудудини эгаллаши мумкин.



**Ўрмоннинг типи (хили) - бу дарахтлар ўсимлиги шароитининг бир хиллиги, ўрмон уюшмасининг умумий белгилари ва пайдо бўлишдаги, ҳамда ривожланишдаги ўхшашлиги бўйича бирлашган тик дарахтлар ва ўтқазувлар участкаларининг йиғиндиси.**

**Бир хил наслдан ташкил топган «Тик дарахт» лар тоза (соф) ҳисобланади, агарда икки ва ундан ортиқ насллардан ташкил топган бўлса, уни аралаштирилган дейиш мумкин. Агарда насл ушбу географик ҳудудда кўпроқ хўжалик ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлса, у ҳолда уни биринчи, бўш қолганларини эса иккинчи даражали дейилади.**

Ўрмончиликда соф, бир хил ёшдаги «тик дарахт» дарахtlари ўсиб ривожланиши бўйича қуйидаги бешта синфларга бўлинган:

I синф - нисбатан баланд ва яхши ривожланган, шохбарги (крона) ли дарахтлар;

II синф - баландлиги бўйича I синф дарахтларига тенг, лекин шохбарги (крона) лари унча яхши ривожланмаган дарахтлар;

III синф - I ва II синф дарахтларига нисбатан бўйи анчагина паст, шохбарги (крона) лари камбаргли, унча ривожланмаган, танаси ёнидан ўсган қуруқ шохчали дарахтлар, дуб дарахтини шохлари қинғир - қийшиқ бўлиб ўсишни бошлайди;

IV синф - икки томондан сиқилиб қолган ёки «байроқ» симонли ривожланган шохбаргли дарахтлар. Дубнинг шохлари жудаям қинғир - қийшиқ бўлади;

V синф - олдинги синфларнинг барчасидан паст бўйли, қуриётган ёки қуриган шохбаргли, лекин қолдиқ баргли дарахтлар;

## Дарахтлар ўсимлигининг биологияси.

- Дарахтлар ўсимлиги ўзининг ташқи кўриниши ва ўсиш табиати бўйича ҳар – хил ҳаётий шакллارга, ёки ўсиш шаклига эга: дарахтлар, буталар, бутачалар ва чирмовуқлар (лианалар).

## Дарахтлар

- битта кўп йиллик шохга эга бўлган ўсимликлар, бу шох «тана» (ствол) дейилади. Унинг баландлигига қараб катта ёшдаги дарахтлар қуйидагича туркумланиши мумкин: I – 25 м; II – 16 – 25 м; III – 5 – 15 м. Бундай туркумлаш шартли бўлса ҳам лекин дарахтларнинг йириклигини аниқлашда амалий аҳамиятга эга.

## Буталар

- булар бош танаси яққол кўринмаган, илдиз бўғинчаси олдидан чиққан бир нечта таначаларга эга. Буталар йириклиги бўйича қуйидагиларга бўлинади: баланд ўсадиган (>2.5 м), ўрта ўсадиган (1 – 2,5 м) ва паст ўсадиган (0,5 – 1,0



## Бутачалар

- буталарга ўхшаш бир нечта майда шохчаларга эга бўлган ўсимликлар, лекин уларда таналаниш қуйи қисмида бўлади, юқори қисми эса ўтсимонлигича қолади, қишда уни совуқ уради. Вакиллари – черника, дрок ва бошқалар, баландликлари 0,5 > бўлган ўсимликлар.


## Чирмовуқлар (лиана) –

- дарахтсимон ўсимлик, танаси букулувчан (эластик), шохлари билан устун (опора) лар атрофини ва дарахтлар танасини ўраб оладилар. Вакиллари – ёввойи ток; чирмов (печка) гули; чирмашиб ўсадиган ўсимлик (хмель).

## Дарахтлар ўсимлигининг тузилиши. ``

Дарахтлар ўсимлиги бош ўсимлик ҳисобланади. Уларнинг барчаси барг, тана ва илдизларга эга. Дарахтларнинг асосий шохи - тана (ствол) дейилади. Тананинг усти пўстлоқ билан ўралган, тана ва шохлар орқали илдиздан барглар томон сув ва озиқалар ҳаракатланади, барглардан илдиз томон эса - минерал моддалар. Моддаларнинг бир қисми танадан жой олади. Тананинг устки қисми шохча ва новдаларга бўлинади, шох - барги (крона) ни ташкил қилади. Барглари куртаклар ва гуллар бир йиллик ёки кўп йиллик новдаларда бўлади. ``


Патакилдиз  
(мочковатая)



илдизлар тизими бош (асосий) илдизсиз бўлади. Илдизларнинг ҳаммаси, майда, ингичка, тўп – тўп бўлиб «Илдиз бўйингинаси» дан бошлаб тарқалади, худди ўтсимон ўсимликларга ўхшайди.

Дарахтларнинг ўсиши. Ўсаётган дарахтлар ва буталар – кўп йиллик ўсимликлар. Улар ҳар йили ўсиш натижасида катталашиб боради ва янги орган-ларни вужудга келтиради. Ўсимликларнинг барглари, новдалари ва илдизлари доимо янгиланиб туради, гуллари ва мевалари пайдо бўлади. Ўсимликларнинг баландлиги бўйича ўсиши янги новда ва таначалар пайдо бўлиши орқали бўлади. Агарда шох – таначалар учида жойлашган куртаклар нобуд бўлса у ҳолда марказий шох (новда)лар ёнидаги куртаклардан ўсиб чиқади, унинг ўсиши 10 – 12 кун (дуб), бошқаларда эса 3 – 5 хафтагача давом этади (терак).

Дарахтларнинг узоқ яшаши жуда ҳам ҳар - хил, бир неча йилдан бошлаб (бамбук) токи юз йил, ҳаттоки минг йилгача (секвойя). Дарахтларнинг яшаш муддати ҳаттоки бир хил насл ичида ҳам кескин фарқланади. Дарахтларнинг яшаш муддати яшаш чегарасига нисбатан 2 - 3 баробар кам, айрим дарахтларда яшаш чегараси тахминан қуйидагича: дуб - 300 - 400, қарағай, тилоғоч (лист - винница) - 200 - 300 йил.



**Дарахтларнинг ўсишида маълум бир қонуният бор. Агарда дарахтлар биринчи 10 – 20 йил ичида юқори даражада ўсиш қобилиятига эга бўлса уларни тез ўсувчилар дейилади (терак, тол, берёза) қолганлари секин ўсувчилар гуруҳига киради (дуб, қарағай ва ель). Одатда тез ўсувчилар секин ўсувчиларга нисбатан кам яшайди. Амалда дарахтларнинг тез ўсишини баҳолаш учун уларнинг 10 – 12 йил ичидаги баландлиги солиштирилади. Дарахтларнинг баландлиги айтилган вақт ичида  $> 6$  м. бўлса улар тез ўсувчилар тоифасига киради, агар кам бўлса секин ўсувчилар ҳисобланади.**

Ўрмон дарахтлари асосан уруғдан ва вегетатив усулда кўпаяди. Асосий усул уруғ орқали кўпайтириш. Дарахтларнинг ҳосил бериши бошланишидаги ёши вояга етиш ёши дейилади. Барча наслдаги дарахтлар хиллари бир - бири билан чангланувчи ҳисобланади. Чангланиш шамол ва ҳашоратлар (насекомы) ёрдамида бўлади. Шамол чанлатадиган дарахтларнинг хиллари: дуб, қарағай, ель, терак ва букиладиганлар. Улар барг чиқариш олдидан ёки барг чиқариш пайтида чангланадилар. Дарахтларнинг меваси ва уруғи шамол ёрдамида (клен, терак, қарағай, ель), сув ёрдамида (ольха), ҳайвонлар ёрдамида (дуб, ёнғоқ) тарқалади.

Илдиз новдалари – илдиздаги ортиқча куртақдан пайдо бўлган новдалар. Бу новдалар ўзларининг илдиз тизимини ривожлантиради, уларни ажратиб олиб бошқа жойга ўтказиш мумкин.

Илдиз тана (карневище) – тупроқ юзасига яқин илдиз халқасидан чиққан, ер остида горизонтал жойлашган, кўриниши ўзгарган новдалар. Бу новдаларда куртақлар бўлади, улардан ер юзасига новдалар ўсиб чиқиши ва илдиз олиши мумкин.


Пархиш (отводка) – илдиз отган ер юзасидаги новда, фақат она ўсимлигидан ажралмаган. Бундай усулда кўпайтириш кўпчилик ўсимликлар учун қўлланилади, айниқса буталарда. Пархиш табиий ёки сунъий бўлиши мумкин. Бунинг учун новда эгилади ва тупроққа ётқизилади, шпилка (найзача) билан тупроққа маҳкамланади, устидан тупроқ солинади. Новданинг тупроққа теккан еридан қўшимча илдизлар чиқади. Илдиз олган новдани она ўсимликдан ажратиб олиб алоҳида кўчат сифатида фойдаланиш мумкин.

**Қаламча.** Қаламчалар ўсимликларни сунъий равишда кўпайтиришда фойдаланилади. Қаламчалар новдадан ёки илдиздан бўлиши мумкин. Уларни 20 - 30 см узунликда 4 - 6 куртаги билан, ёзгиларини эса 5 - 6 см узунликда 2 - 3 куртакли қаламчалар орқали кўпайтирилади. Илдиз қаламчалари - илдиз қирқими 15 - 20 см. Бу усулда ёрдамчи илдиз берадиган оқ акас, олича, олхўри, осина ва ҳ.к. ўстирилади.




Қозиқчалар (коляя) - шох ёки тананинг йўғонлиги 5 - 8 см, узунлиги 1 - 1,5 м бўлган қисми, уларни дарё соҳилларида 0,5 м чуқурликда ўтқазилади. Бу усулда асосан тол, теракнинг баъзи бир хиллари кўчати етиштирилади.

Қаламча ёки куртак улаш (искана пайванд ва найча пайванд) усуллари. Бу усуллар боғдорчиликда кенг қўлланилади. Пайванд қилинадиган қаламча ва куртакни «пайванд қилувчи» (привой) дейилади, пайванд қилинадиган дарахт эса подвой дейилади. Бу усулда олинган кўчатда асосий она навининг сифати томонлари сақланиб қолади.



**Ўрмон ва атмосфера.** Ҳавонинг газ таркиби ўсимликда физиологик жараённинг нормал ўтишини таъминлайди. Фотосинтез жараёнида карбонат ангидрид газини ўзлаштирилади, кислород нафас олишда фойдаланилади. Бир гектар ўрмон бир кунда 220 – 280 кг  $\text{CO}_2$  ўзига сингдиради ва 180-220 кг кислород ( $\text{O}_2$ ) ни ажратади. Шундай қилиб, атмосферада узлуксиз кислороднинг запаси тикланиб туради. Ўсимликнинг барги ва бошқа органлари яшаш жараёнида атмосферага уладиган биологик актив модда – фитонцидларни чиқаради.



**Ўрмон экологияси.** Ўсимликлар ва улар тўпламининг ҳаёти маълум бир яшаш шароитисиз мумкин эмас. Ўз навбатида ўсимликлар тўплами, айниқса ўрмон, муҳитга таъсир қиладилар ва сезиларли даражада ҳаво таркибини ва шамол, ёруғлик, намлик ва озиқа режимини ўзгартирадилар. Ўрмоннинг ўзгарган муҳити дарахтлар қиёфасига ва ўрмон тuzилишига сезиларли таъсир қилади. Ўрмоннинг таъсири фақат ўзи эгаллаган майдонгагина эмас, балки унга яқин келган ҳудудга ҳам таъсир қилади. Ўрмоннинг бу хусусиятидан ўрмон мелиорациясида кенг фойдаланилади. Ўрмон билан унинг яшаш шароити орасидаги ўзаро муносабатларни қуйида кўриб чиқилади.

**Ўрмон ва намлик.** Ўрмоннинг кенгайиши ҳудуднинг намлиги билан узвий боғланган. Ўрмон ўзи эгаллаган ҳудудининг сув режимига кучли таъсир кўрсатади. Ҳоҳлаган ер участкасининг сув балансини қуйидаги тенглама орқали ифодалаш мумкин:  $O = I + C$ . Яъни атмосферадан келган ёғин (O) буғланишга (I) ва сувнинг оқишига (C) сарфланади.

**Ўрмон ва тупроқ.** Тупроқнинг унумдорлиги билан ўрмоннинг таркиби, шакли ва маҳсулдорлик даражаси боғлиқ. Тупроқ эса ўз навбатида кўпроқ ўсимликлар, шу жумладан дарахтлар хаёт – фаолиятининг маҳсулоти ҳисобланади.

**Ўрмон ва микроорганизмлар.** Ўрмон тўшамасида ва тупроқда микроорганизмлар жуда ҳам кўп, оғирлиги (массаси) ўртача гектарига 300 килограмм-мгача етиб боради. Улар ўлик органик моддаларни ачитишда, чириндиларнинг ҳосил бўлишида, минерал озиқалар элементларини бўшалишида муҳим роль ўйнайдилар. Микроблар ичида ўсимликлар ўсишини яхшилайдиган микроблар бор.